



МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК — МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ҚАТОР КЎРСАТМАЛАР БЕРДИ

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Миллий хавфсизлик қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишини ўтказди.

Унда Миллий хавфсизлик қўмитаси марказий девони ва минтақавий бошқармаларининг масъул ходимлари иштирок этди. Тадбир аввалида Қасим-Жўмарт Тўқаев хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган МХҚ ходимлари хотираси учун ўрнатилган мажус стеллага гулчамбар қўйди. У, шунингдек, Қўмита марказий девонининг 2017 йилда таъмирланган музейида ташкил қилинган, Қўмитанинг мустақилликка эришилгандан кейинги ривожланиш тарихини акс эттирадиган экспозицияни кўрди.

Тадбирда Қозоғистон Президенти МХҚ раиси Карим Масимовнинг ҳисоботи, Қўмита таркибий ва минтақавий органлари раҳбарларининг ҳисоботини тинглади.

Учрашув якунида Президент миллий хавфсизлик тизимини янада такомиллаштириш юзасидан қатор аниқ кўрсатмалар берди.

Казинформ.

РАҚАМЛАШАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ

Жаҳон банки Қозоғистонда умумий қиймати 1 миллиард долларга тенг иккита йирик лойиҳани амалга оширади.

— Биз тикланиш даврида Қозоғистонга ёрдам берадиган иккита лойиҳа устида ишламоқдамиз. Биринчи, 500 миллион долларлик лойиҳа чорвачиликни қайта тиклашга ёрдам беради. У аграр соҳадаги кичик бизнесни қўллашга қаратилган. Ҳукумат чорвачиликка ихтисослашган фермерларни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиши мумкин. Ушбу лойиҳа Қозоғистоннинг озиқ-овқат хавфсизлиги учун жуда муҳимдир, — дейди Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лилия Бурунчук.

Унинг сўзларига кўра, бундан ташқари, рақамли ривожланиш ва сунъий интеллектни ривожлантириш лойиҳаси ҳам татбиқ этилмоқчи. Унинг қиймати тахминан 500 миллион доллар, дея баҳоланмоқда.

Банкнинг Марказий Осиё бўйича етакчи иқтисодчиси Ивайло Изворскининг сўзларига кўра, минтақадаги иқтисодий вазият глобал иқтисодий вазият билан бевосита боғлиқдир. «Нефть нархи жуда паст. Дунё миқёсида нефтьга бўлган талаб тақлифдан камайиб кетди. Нефть нархи 2-3 йил ичида кутганимиздан пастроқ бўлиши мумкин», деди Изворски.

«Казахстанская правда».

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА — 190 МЛРД. ТЕНГЕ!

2020 йил январь-апрель ойларида болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан ва Давлат ижтимоий суғурта жамғармасидан жами 190 миллиард тенге ажратилди, деб хабар беради ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги матбуот хизмати. Шу даврда 111,5 минг она (жами 13 миллиард тенге) бир марталик «суюнчи» пул олган.

Жорий йилнинг январь-апрель ойларида 273 минг кишига ушбу мақсадда 31,1 миллиард тенге берилди.

«Казахстанская правда».

Жанубий Қозоғистон



TURKISTAN

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 6 июнь, шанба. №53 (2828).

ТУРКИСТОНГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ!



Кўҳна Туркистонга келувчилар учун барча шароитлар яратилиб, ҳар бир сайёҳ аввалдан онлайн танлов ясай олади.

Вилоят ҳокими Умирзақ Шўкеев раислигида ўтган мажлисда Туркистон шаҳри ҳокими Рашид Аюпов шаҳарни ривожлантириш юзасидан бажарилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Янгидан тайёрланган туристик саватга электрокара билан оралаш, гид ва аудиогид ёрдамига мурожаат қилиш, этно ҳамда брендланган эсдалик совғалар дўконларига саёҳат қиради. Транспорт билан Саврон шаҳрига сафар, бургутлар шоуси, кун ботганда далага туялар карвонини бошлаш ҳамда кўбиз ёрдамида тадбирлар, кўчманчилар шоусини томоша қилиш, иссиқ тан-

дир нон ва бия сутини тановул қилиш, чавандозларнинг олов билан ёритилган кўринишлари намойиш этилади.

Туркистон шаҳридаги қатор қурилишлар июль ойида якунланади. «Ҳазрат Султон» қўриқхона музейининг атрофини ободонлаштириш ишлари уч босқичда олиб борилмоқда. Тунги чироқлар ўрнатилиб, суғориш тизими ишга туширилди. Истироҳат боғига ик-

ки минг тупдан зиёд турли дарахтлар ўтказилди.

Шаҳарнинг маънавий-маданий маркази майдонида муҳандислик-инфра тузилма қурилиши ва драма театри ҳудудини ободонлаштириш ишлари ҳам бир маромда олиб борилмоқда. Кўҳна меъморчилик санъати манбаи — «Карвон сарой» мажмуаси ҳам кузда битади. Ўхшаши йўқ осмон остидаги театр, маҳаллий ҳунармандчилик буюмларининг очик бозори, фавворалар ва дам олиш масканлари халқимиз кўнглидан жой олишига шак-шубҳа йўқ.

М. УСМОНОВА.



БУЊЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ШАҲРИ

ЎМИРЗАҚ ШЎКЕЕВ АРИСДАГИ ЯНГИ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИНИ ОРАЛАДИ

Арис шаҳрида кўпқаватли уйлар қурилиши жадал олиб борилмоқда. Вилоят ҳокими Ў. Шўкеев қурилиш сифатига ва уларнинг муддатида тугатилишига эътибор қаратди. Шу муносабат билан пудратчиларга аниқ топшириқлар юкледи.

«Нурли ер» давлат дастури доирасида қад кўтарган 5 қаватли уйлар кузда навбатда турган арисликларга топширилади. Кўпқаватли бошпаналар «Кўктем-2» аҳоли манзилида қурилмоқда. Шаҳарда жорий йили бундан ташқари яна 60 квартиралар уйлар қурилиши бошланган. Улар келаси йили фойдаланишга топширилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

УЙЛАР МАРМАР БИЛАН ПАРДОЗЛАНМОҚДА

Вилоят ҳокими Ў. Шўкеев Туркистон шаҳридаги қурилиш майдонларини оралаб, қурувчилар билан учрашди.

Минтақа раҳбарининг топшириғига биноан, кўп қаватли уйларнинг сирти оч рангли травертин ва оқ мармар билан қопланмоқда. Уларнинг сифатини текшириб чиққан минтақа раҳбари пудратчи компания мутасаддиларига ишни тезлаштиришни топширди. Шунингдек, қурилиш жараёнида хавфсизлик чораларига амал қилиш зарурлигини қайд этиб, кечаю кундуз давомида ишлаш режимида кўчишни тақлиф қилди.

— Иш кўлами катта, буни яхши тушунаман. Бироқ чуқур масъулият ҳиссини йўқотмаган ҳолда вазифани астойдил бажариш керак. Биз томонимиздан қандай ёрдам керак бўлса, тўғридан тўғри айтаверинглар, — деди ҳоким.

Туркистон шаҳар маъмурий-тадбиркорлик марказида 7, 9 ва 12 қаватли 5600 хонадон, 89та уй қурилиши давлат ҳисобидан юритилмоқда. Йил охирида 7 қаватли 24та уйни, яъни 1452 хонадонни фойдаланишга топшириш режаланган. Навбатда турган ижтимоий заиф қатлам вакиллари ва кўп болали оилаларга 450та уй берилса, давлат хизматчиларига 1000дан зиёд насияли уйлар топширилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

НОЁБ ДАРАХТЛАР ЎТҚАЗИЛАДИ

Тузи бир туркий халқлар учун ер юзидаги саккизинчи мўъжиза бўлган Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси – ўрта аср меъморчилиқ санъатининг дурдонасидир. Айни пайтда Туркистон тўридаги ноёб тарихий ёдгорлиқнинг атрофи ободонлаштирилиб, у яшилликка бурканмоқда. Вилоят раҳбари Ўмирзақ Шўкеев мақбара атрофига энг қимматбаҳо дарахт кўчатларини ўқазилни топширди.

Бу ердаги барча ишлар махсус мутахассислар назоратида. Бундан бир йил бурун Боку шаҳрида Туркистон вилояти делегацияси ЮНЕСКОнинг жаҳон миқёсидаги мерос қўмитасининг 43-сессиясида муҳим битимларга эришилди. Унда Яссавий мақбараси ҳудудидаги қурилиш объектларининг жаҳон меросига таъсирини баҳолаш

масалалари ҳам кўрилган эди. Худди ўша йиғилишда мақбаранинг атрофини ободонлаштириш ҳақида қарор қабулланди.

Вилоят ҳокими драма театри қурилиш майдонини оралаб кўрди. 4 қаватдан иборат бинонинг умумий майдони 9700 квадрат метрни ташкил қилади. Барча талабларга мувофиқ, замонавий намунада

қурилатган маданият ўчоғида 510 одамга мўлжалланган томошабинлар зали жойлашган. Ақтўбе вилоятининг Туркистонга тўхфаси сифатида қурилатган театр биноси кузда битиши режаланмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ШАҲАР ОБОДОНЛАШМОҚДА

Вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев Туркистонда кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларининг боришини текширди.



Шу мақсадда шаҳар 32 мавзегга ажратилган. Ҳар бир мавзегга бевосита масъул туман ва шаҳар ҳокимликлари, бошқарма раҳбарлари тайинланган. Шаҳарда дарахтлар экилиб, одамларнинг дам олиши учун ўриндиқлар, тунги чироқлар, ахлат қутилари ўрнатилган.

Мажмуавий ишларнинг боришини кузатган вилоят ҳокими мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди. Тадбирнинг бажарилишини қатъий назорат қилиш ва ишларни доимий равишда давом эттириш топширилди. У аҳоли орасида атроф-муҳит муҳофазаси ва тозаланикни тарғиб қилишни юклади. Афсуски, тозаланик талабга жавоб бермайди.

Шаҳарда пиёдалар ва велосипед йўлакларини асфальтлашиб, атрофига дарахтлар экилган. Дам олиш масканлари ва кўчалар бўйлаб фавворалар, янги автобус бекатлари қурилди.

Ўмирзақ Естайули вилоят маркази билан биргалликда ташкил этилган «яшил белбоғ» га ташриф буюрди ва кўчатларни сўғоришга алоҳида эътибор қаратишни топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР ПАРТИЯ НАЗОРАТИДА

Мақтаарал туманида ижтимоий масалаларга доир ишчи гуруҳнинг мажлиси ўтди.

Унда вилоят Қозоғистон халқи ассамблеяси котибияти мудир, Мақтаарал туманидаги вилоят штабининг ижтимоий масалалар бўйича етакчиси Ғани Рисбеков, Nur Otan партияси вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари Бейсен Тажибаев, туман партия филиали вакиллари, тошқиндан жабр кўрган овул округлари ҳокимлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва туман ҳокимлигининг мафкура бўлими раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этдилар.



Мажлисида Ғ. Рисбеков тошқиндан зарар кўрган фуқароларга товонни жадаллик билан тўлаш, бугунги аҳволини яхшилаш, Ўрғабас, Фирдавсий қишлоқларида қурилиш ишларига кўмаклашишни тезлатиш лозимлигига тўхталди.

Б. Тажибаев эса фуқароларга тўловларни тезроқ тўлаш учун малакали мутахассисларни жалб қилиш, аҳоли билан тиғиз алоқа ўрнатиш, тушунтириш ишларини уюштириш кераклигини таъкидлади.

Сўнг махсус гуруҳ Мирзакент қошида қад кўтараятган янги кичик тумандаги бунёдкорлик ишлари билан танишди. Таъкидлаш жоизки, бу ерда 383та уйнинг қурилиши олиб борилмоқда. Улардан 193таси ҳукумат захираси маблағига, 190таси жамғармалар ҳисобидан, шу жумладан, 20таси партиянинг "Биз биргамиз!" жамғармаси қўллови билан қуриляпти. Бейсен Тажибаев қурувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг бугунги тирикчилиги билан танишди.

Ҳозирги кунда янги кичик туманда 188та уйнинг пойдевори қаланиб, 73тасининг девори кўтарилмоқда, иккита уйнинг томи ёпиляпти. Қурилиш ишлари икки босқичда олиб борилмоқда. Уй қурилиши учун керакли материаллар ва техника етарли.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

Хўжаликлар ТИКЛАНЯПТИ

Тулқибош туманида маҳаллий тадбиркор "Арман" чорва хўжалиги раиси А. Алимбаев чорвачиликни ривожлантиришга киришди.

У "Бастау-бизнес" лойиҳаси орқали тадбиркорлик асослари бўйича малакасини ошириб, "Тадбиркорлик мактаби" мутахассислари ёрдамида бизнес лойиҳасини ҳозирлаб, "Тулқибош" кредит биродарлигига ҳужжатларини топширди.

Натижада "Агробизнес" дастури доирасида 30 бош соғин сигир, 13 бош бия сотиб олиб, ишини бошлаб юборди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун аҳолига табиий сут маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Вилоят ҳокими Ў. Шўкеевнинг топшириғига кўра, бугун Тулкибош туманида қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида давлат ёрдамидан фойдаланиб соҳани ривожлантириш тадбирлари тизимли турда амалга ошмоқда. Улар ўз навбатида туман аҳолисининг шароитини яхшилаб, фақуллода вазиятдан зарар кўрган минтақа иқтисодиётини тиклашга катта ёрдам берапти.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

Туркистон вилоятида Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасига қарашли 748та масжид бўлса, бугунги кунда вилоят ва туман марказларидаги 632тасида жума номози ўқиладиган бошлади.

Беш вақт намозни ҳам барча масжидларда ўқиш мумкин. Ҳақиқатан, мамлакатимиз бош санитар-шифокорининг қарори бўйича, масофани сақлаган ҳолда, масжиднинг ичи 30 фоизгагина тўлдирилади. Қолган одамлар амални масжид ташқарисидан бажаради. Буни минтақавий коммуникациялар хизматида вилоятнинг бош имоми Мусабек Ақтамберди маълум қилди.

Айтганча, масжидлар кўпчилик учун икки босқичда очилади.

ЁЗГИ ЛАГЕРЛАР 15 ИЮНДАН ИШ БОШЛАЙДИ

Буни вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси раҳбари Раҳимбек Жўлаев маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, ёзда шаҳар ташқарисидан 23та соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатади. Улардан 8таси давлатники ва 15таси хусусий. Бу йил вилоятдаги 1-10-синф ўқувчиларининг умумий сони 416 086 ўқувчи бўлса, 23та оромгоҳда 32 мингдан ортиқ бола дам олади.

НАМОЗ МАСЖИДЛАРДА ЎҚИЛЯПТИ

Биринчи бўлиб туман, шаҳар, қишлоқ округларидаги жамоат кўп йиғиладиган йирик масжидлар очилади. Кейин эса барча қишлоқ-минтақалардаги масжидлар ёппасига очилади.

– Карантин шароитида масжид хизматчилари ва келувчилар вазифаларини ниқобда бажаришлари керак. Барча масжидларнинг намоз, Қуръон ўқиладиган хоналари антисептик воситалар билан таъминланади. Келувчилар 1,5 метр оралиқ сақлаган ҳолда шахсий ва жамоат номозларини ўқий оладилар. Масжид ҳожатхоналари хавфсизлик мақсадида карантин режими тугагунча

ёпиқ туради. Жума ваъзалари айtilмайди. Жума номозининг хутбаси ва намози 15 дақиқадан оширилмайди, – деди вилоят имоми.

Шу билан бирга, брифингга қатнашган Туркистон шаҳри бош имоми Жусипбек Қасимбек вилоят марказидаги 30та масжиднинг ҳозирча 17таси кўпчилик учун очирилишини айтди. Улар орасида, "Бекзат", "Қуддус", "Оқмешит", "Нақиб ата", "Игилик", "Туяқбай", "Асанбай", "Уасси", "Тўреқулов" каби масжидлар бор.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

олганда, мактабгача таълим муассасаларининг 69 фоизи хусусий. Қарорнинг 9-иловасида мактабгача таълим муассасаларида ота-оналарнинг ишлаши муҳимлиги ва қаровчисиз қолган болалар учун навбатчилик гуруҳларининг ишлаш алгоритми кўрсатилган. Шу сабабли болалар боғчаларида навбатчилик гуруҳлари очирилиши мумкин, – деди бўлим раҳбари.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

"БУЮК ДАШТ ЭЛИ" — МУНОСИБ ТУҲФА

Вилоят ҳоқими Ўмирзақ Шўкеев минтақамизга иш сафари билан келган Атиров вилояти ҳоқими Махамбет Дўсмухамбетов билан учрашди. Ишчи гуруҳ вилоят марказида барпо этилаётган "Буюк Дашт эли" мажмаусининг қурилиши билан танишди.



Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

Туркистонни ривожлантириш мақсадида элимизнинг ҳар бир вилоятига биттадан иншоот бириктирилган эди. Шулардан бири Атиров вилоят ҳоқимлигининг туризм марказига қурилаётган кўҳна "Буюк Дашт эли" маданий марказидир.

Бу ерда Қозоқ хонлиги тузилганидан то янги давр ривожигача бўлган турли мавзуларни ўз ичига олган 9та тарихий замонавий зални очиш режалаштирилган. Қурилиш майдонида бўлган Атиров вилояти ҳоқими маданий марказда замонавий имкониятлар, яъни янги технологиялардан фойдаланишни таклиф қилди.

Муҳташам қурилиш майдонига айланган вилоят марказида элимиздаги йирик қурилиш компаниялари қадим шаҳар фаровонлиги йўлида куну тун фаолият юритмоқда. Атиров вилояти ҳоқимлигининг туҳфаси сентябрь ойида битиши керак. 0,8 гектарда қад кўтараётган марказнинг майдони 6200 квадрат метрни ташкил қилади. Қурилиш ишлари режага мувофиқ олиб борилмоқда.

● Муҳаррир минбари

ВИЖДОН УЙҒОҚ БЎЛСИН, ДЕСАК...

Қадрли газетхон!

"Жанубий Қозоғистон"нинг муштарийлари!

Сиз билан ижтимоий тармоқлар орқали ғойибона боғланишга, шу йўсинда муружат қилишга мажбур бўлмоқдамиз. Сабаб, коронавирус пандемияси, республика миқёсида эълон қилинган карантин чоралари.

Биласизки, бугунги кунларда 2020 йилнинг иккинчи ярми учун даврий нашрларга обунани давом этмоқда, ҳатто, обунани муддати охирига келмоқда, десак ҳам бўлади. Доимий муштарийларимиз ва қатор ташкилотлар газетамизга ёзилиб улгуришди. Шундай бўлса ҳам, оралиқ маълумотлар "Жанубий Қозоғистон" рўзномасига ёзилиш кўрсаткичлари ўтган йиллардагидан анча паст эканини кўрсатмоқда. Бу ҳолнинг пандемия асорати эканини, кўплаб миллатдошларимиз карантин чоралари боис кўчага чиқа олмаётгани сабабли эканини тушунашимиз. Узимиз, таҳририят ходимлари ҳам ҳар йилгидай муштарийларимиз билан учрашиш имкониятидан мосуво қолдик.

Коронавирус иллоти, аввало, одам боласи ҳаётига, шунингдек жаҳон мамлакатларининг иқтисодиётига таҳдид солмоқда. Бутун дунёдаги каби Қозоғистон Республикасидаги барча бизнес субъектлари, корхоналар синов олдига турибди. Шулар қаторида бизнинг таҳририятимиз ҳам.

Бундан қарийб 30 йил илгари, Совет Иттифоқи инқирозга юз тутган иқтисодий танглик пайтида бир гуруҳ юртдошларимизнинг ҳаракати билан очилган, қозоғистонлик ўзбекларнинг ифтихори бўлган газетамиз энди республика миқёсида тарқалиши ҳақидаги хушxabарни ҳам сиз, азизларга етказмоқчимиз.

Шу кунларда "Жанубий Қозоғистон"нинг тақдири яна тарозига кўйилмоқда. Ҳар қандай газета, ҳар қандай таҳририят муштарийлари билан тирик. Қозоғистонда истиқомат қиладиган ўзбек этноси вакилларининг отахон рўзномаси – "Жанубий Қозоғистон"нинг узлуксиз чиқиби туришида обунани муҳим омилидир.

Шу сабабли, мана шундай қийин бир паллада "Жанубий Қозоғистон" газетасига қўллов билдиришингизни сўраймиз. Биз учун ҳар бир обунани муҳим. Инсон соғлиғига таҳдид туғилаётган айни чоғда муштарийларимизга қўлайлик яратиш мақсадида сизнинг ўрнингизга почта бўлимига бориб газетанга ёзилишни биз ўз зиммамизга олмоқчимиз. Сиздан эса таҳририят ходими, реклама бўлими мудири З. Мўминжоновнинг +77022789690 рақамли Kaspi Gold карточасига ўз исми-шарифингиз, яшаш манзилингиз ва телефон рақамингизни кўрсатган ҳолда обунани йўллашингиз кифоя. Биз ўз тарафимиздан ҳар бир обунани "Қазпошта" филиали орқали расмийлаштириб, ҳужжатларини ижтимоий тармоқлар орқали ўзингизга йўллашга қафолат берамиз.

Баҳолар:

Шимкент шаҳри учун – 2590, 85 тенге;

туманлар учун – 2911, 20 тенге;

таҳририятдан олиб кетувчилар учун – 1600 тенге.

● *Ҳиммат кўрсатаман деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетанга ёздиришда ҳомийлик қилишлари мумкин.*

● *Товламачилардан сақлашиш учун юқорида кўрсатилгандан бошқа рақамга юбормаслик керак.*

Маълумки, газетамизнинг асосий муштарийлари таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларининг хизматчилари – устоз ва мураббий ҳамда тиббиёт ходимларидир. Зеро, зиёлилар – миллатнинг руҳи! Биз сизга доим ишониб келганмиз, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади. Вақтинчалик қийинчиликлар ўтиб кетар, яхши кунлар насиб этар. Ягона мақсадимиз – газетанинг ададини ошириб, келгуси авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун ўзбекман, дея фахр билан баралла айта оладиган, қалбида миллийликни маёқ қилган инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, бирлашсак, нур устига нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

Ғалвирни сувдан кўтарадиган вақт яқин. Газетанга нисбатан кимнинг қандай муносабатда эканлиги, миллий ғурури, орияти даражаси ҳадемай яққол намоён бўлади.

Алишер СОТВОЛДИЕВ,
газетанинг директор-бош муҳаррири.

ҚР Давлат рамзлари куни арафасида вилоятимизнинг барча туман, шаҳарларида "Менинг байроғим" акцияси ўтди.

Қозоғистонликларнинг Давлат рамзларига ҳурмати кучайтириш, ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида уюштирилган акция доирасида барча давлат ва тадбиркорлик иншоотларининг балконлари ва ҳовлиларига давлат байроқлари илиниб, Давлат мадҳияси ижро этилди. Шунингдек, туман, шаҳар кўчаларида

"Bus Lane" лойиҳаси – шаҳар кўчаларида жамоат транспортининг қатновига мўлжалланган махсус йўлак. Энди транспорт тўсиқсиз ҳаракатланадиган махсус йўлакка эга мана шу йўлдан юради.

Шунингдек, "яшил йўл"дан ногиронлик араваҳасидаги имконияти чекланган фуқаролар ва электромобиллар ҳам юра олади. Шаҳар раҳбари Р. Аюпов янги лойиҳани вилоят ҳоқими Ў. Шўкеевга намойиш қилди.

«МЕНИНГ БАЙРОҒИМ» акцияси ўтди

байроқ ва рамзлар ўрнатилган машиналар намойиши ўтди.

Вилоят аҳлига рамзлар тарихи ва тасвири кенгроқ тарғиб қилиш учун Давлат байроғи расми туширилган турли буюмлар тарқатилди.

ҚР Давлат рамзлари 1992 йил 4

июнда расмий турда тасдиқланганди. Давлатимиз мустақиллиги ва бирлигини тасдиқловчи ушбу кун белгиланганига бу йил 28 йил тўлди.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

ЯНГИ ЙЎЛАК БАРПО ЭТИЛЯПТИ

Яшил рангли белгилар яқин кунларда Туркистоннинг барча кўчаларида пайдо бўлади. Махсус йўлга бошқа транспортнинг кириши ман этилган. Марказий Б. Саттарханов кўчасида транспортнинг тўхташига рухсат берилмайди. Янги лойиҳа тест тартибда жорий этилган, ҳозирча қойдани бузган ҳайдовчиларга жарима солинмайди. Бироқ

тушунтириш ишлари тугагач, қойдани бузганлар жазоланади. Бугунги кунда вилоят марказидаги жорий таъмирлаш ишлари юритиладиган 100га яқин йўлнинг ярмига тош тўшалди.

Таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

Туркистон шаҳридаги Б. Саттарханов шоҳкўчасидаги 10 қақиримдан иборат велоўлакда таъмирлаш, бўяш ишлари олиб борилмоқда.

ПИЁДАЛАР ЙЎЛАГИ ЯНГИ РАНГДА

Келгусида Тауке хан шоҳкўчаси, С. Қўжанов, Амир Темур ва Байбурт кўчаларидаги 10 қақиримда ҳам шундай ишлар бажарилади.

Шу билан бирга, шоҳкўчадаги пиёдалар йўлаги ҳам жаҳоннинг ривожланган шаҳарларидаги каби қизил ва

оқ рангга бўялади. Бундай ранглар йўл ҳаракати ҳодисаларининг олдини олиб, транспорт эгасининг белгини аниқ кўришига таъсир кўсатади.

"Жанубий Қозоғистон" мухбири.

КЎНГИЛЛАРГА КЎЧАЁТГАН ОБОДЛИК

Сайрам тумани, Оқсувкент овул округида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда санитария жиҳатидан тозалаш ишлари юритилмоқда.

Туман ҳоқимининг чора-тадбирлар режасига мувофиқ, Оқсувкент овул округидаги кўчалар бўйидаги тадбиркорлик иншоотлари, уй-жойларнинг ташқи кўриниши тартибга келтирилиб, оқлаш, бўяш ишлари жадал олиб борилмоқда. Кўчаларга илинган тарғибот воситалари ҳам янгиланмоқда.

Карантин режимидан сўнг тиркичилик аста-секин жонланиб, ҳаёт яна изига тушмоқда.

М. УСМОНОВА.

ЯМТГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Туркистон шаҳри ҳоқими Рашид Аюпов раислигида ўтган мажлисда ЯМТ синовларининг 20 июнь – 5 июль оралиғида ўтказилиши, маълум бўлди.

Умуман олганда, ЯМТ одатдагидек Х.А. Ясавий номидаги ЖҚТУнинг тест марказида ўтади. Синовнинг холислигини таъминлаш учун тест жараёни бевосита эфир орқали намойиш этилади ҳамда коронавирус иллатига қарши чоралар кўрилган. ЯМТ ўтказиш пунктида 14та аудитория бўлиб, уларда 32та камера, 14та салқинлатиш ускунаси ўрнатилган.

2020 йилги ЯМТни ўтказиш тартибда бошқа янгиликлар ҳам бор. ЯМТнинг қоғоз сертификати электрон сертификат билан алмаштирилади. 2019-2020 йил мобайнида мактабларда 40 марта, шаҳар миқёсида 12та синов тестлари олинган. Бундан ташқари йилда инфратузилма тизими, аҳолини ичимли сув, табиий газ ва электр қуввати билан таъминлаш учун 11 иншоот қурилиш-монтаж ишларини юритаётгани ҳам айтилди.

Шаҳар ҳоқимининг матбуот хизмати.



МИЛЛИОН КВАДРАТ МЕТР УЙ-ЖОЙ

Шимкент шаҳри ҳокими Мурат Айтенов шаҳарда қад кўтараётган уй-жойлар қурилиши билан танишди. Дастлаб “7-20-25” дастури доирасида “Shymkent” ЭКК” ХЖ маблағи ҳисобига қурилаётган “Асар-2” кичик туманидаги 10та уй ҳамда “Турон” кичик туманидаги иккита кўп қаватли уй қурилишини кўздан кечирди.

Мурат Дуйсенбекули, шунингдек, “Шимкент Сити” ва “Турон” кичик туманларида давлат бюджети

ҳисобидан қурилаётган уйларда бўлди. У бунёдкорлик ишларининг сифатига жиддий эътибор қаратиб, пудратчиларга ишни жонлантириш ҳамда қурилишда мамлакат маҳсулотларидан фойдаланишни топширди. Шунингдек, масъул соҳа раҳбарларига инфратузилма масаласини кечиктирмай ҳал қилишни топширди.

Умуман, мегаполисда жорий йил “Нурли ер” ҳамда “7-20-25” дастури доирасида барча молия манбалари

ҳисобидан 13 636 хонали 252та кўп қаватли уй қурилиши олиб борилди. Уларнинг умумий майдони бир миллион квадрат метрни ташкил этади. Шундан, 78та уй бюджет, 48та уй “Shymkent” ЭКК” ХЖ ҳамда 126та уй хусусий қурувчилар ҳисобидан қад кўтаради.

Жорий йилда 136та кўп қаватли уй ёки 7561 квартира фойдаланишга топширилади.

М. УСМОНОВА.

БОШҚАРМАДА ЯНГИ РАҲБАР



Шаҳар ҳокимининг фармойишига кўра, давлат хариди бошқармаси раҳбари лавозимига Амиржанов Хамит Уадутбекули тайинланди.

Х. Амиржанов 1981 йилда туғилган, олий маълумотли, ихтисоси – молиячи. Меҳнат фаолиятини Қўстанай вилояти, Амангелди тумани солиқ қўмитаси мутхассислигидан бошлаган.

2010-2020 йиллар оралиғида Молия вазирлиги давлат органлари фаолиятини таъминлаш департаменти моддий-техника таъминоти бошқармасининг бошлиғи, давлат органи бюджет маблағини маъмурлаштириш ва бошқариш департаменти давлат хариди бошқармасининг раҳбари, ҚР Молия вазирлиги Давлат хариди қўмитасининг бошқарма бошлиғи ҳамда Алмати шаҳар энергетика ва коммунал хўжалик бошқармаси, давлат активлари бошқармаси раҳбарининг ўринбосари лавозимларида меҳнат қилган.

Шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.

ДАВЛАТГА ҚАЙТАРИЛМОҚДА



Шимкент ҳокими М. Айтенов раислигида шаҳар ҳудудидаги ер участкаларини давлат тасарруфига қайтаришга доир йигин ўтди.

Унда ер муносабатлари бошқармаси раҳбари Б. Аширбеков иншоотлар қурилишини олиб бориш учун давлат тасарруфига 2448та ер участкасини қайтариш ҳақида қарор чиқарилганини маълум қилди.

– Мазкур иншоотларга жорий йили 3,7 млрд. тенге маблағ ажратилган. Давлат эҳтиёжи учун ажратиб берилган ер участкасининг, шунингдек, шу ерда жойлашган кўчмас мулкнинг қиймати бозор нархида аниқланади. Бугунги кунда майдони 17,3 гектарни ташкил этадиган 152та ер участкасини қайтариб олишга 1 млрд.458 млн. тенге сарфланган, – деди бошқарма раҳбари.

Унинг айтишича, жорий йилнинг беш ойида уй-жой, йўл қурилиши, янги терминал ва юқумли касалликлар касалхонаси ҳамда мактаб ва яшил ҳудуд қуриш каби 11та иншоот учун давлат эҳтиёжига зарур бўлган участкалар тўлиқ қайтарилди.

Бу ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлаган шаҳар раҳбари биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга иншоотлар учун керакли участкаларни қайтариб олишни топширди.

– Режаланган қурилишнинг чўзилишига асосий сабаб мулк эгаларининг белгиланган баҳо билан келишмаслигида. Шунинг учун қийматни аниқлашда мулк эгасининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, ҳақ бозордаги нархга қараб тўланиши лозим, – деди М. Айтенов.

Шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.

ЯНГИ МАЖМУА БАРПО ЭТИЛАДИ



Шимкентда янгидан барпо этилган агро-саноат минтақасида умумий сармоявий қиймати 5,5 млрд. тенгелик 6та лойиҳа амалга оширилади.

Натижада 500дан зиёд иш ўринини очилиши режаланган. Шунингдек, қурилиш жараёнида 300дан зиёд

ишчи иш билан таъминланади. Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги мазкур минтақада лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида икки босқични ўз ичига олган йўл харитаси тайёрланган.

Унга мувофиқ, биринчи босқичда агроиндустриявий минтақада 30 гектарли саноат иссиқхона мажмуасини қурадиган сармоядорларга ерни расмийлаштириб бериш учун зарур ҳужжатлар тўпланади. Улар иссиқхона мажмуаси лойиҳаларини 2020-2022 йиллар оралиғида амалга оширишни кўзда тутишган. Иккинчи босқич лойиҳалари 2025 йилгача амалга оширилади.

Шаҳарда агро-саноат минтақасини ривожлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини камайтириш кўзда тутилмоқда.

Агро-саноат минтақаларини тузишдан асосий мақсад – шаҳарнинг сармоявий имкониятини ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида сармоядорларга қулай шароитлар яратиш. Лойиҳада қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириб, аграр шўъбани иқтисодийнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш кўзда тутилган. Шу боис, мегаполисда тегишли ташкилий ишлар жадал суръатда олиб борилмоқда.

Агро-саноат минтақасининг асосий ўзгачаликлари: муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини хўжаликларга бепул ўтказиб бериш, тадбиркорларга субсидия олишда ёрдамлашиш, маҳсулотни ташиш ва сақлашни самарали ташкил этишдан иборат.

Мухтабар УСМОНОВА.

ЭКИН МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙДИ



Шимкентда экин майдонлари 1000 гектарга кўпайди. Буни девон мажлисида қишлоқ хўжалиги ва вете-

ринария бошқармаси раҳбари А. Қанибеков маълум қилди. Унинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги

экинларини умумий майдони кўлами 27, 6 минг гектарга етган. Шу билан бирга кўкламга дала ишларига 1, 25минг тонна ёнилғи ажратилган, 174 тенгедан 160 тенгега пасайтирилган баҳоси.

Минерал ўғитларнинг нархини субсидиялаш дастурига кўра 105,1 млн. тенге маблағ ажратилиб, баҳоси бугунги кунда 1 минг тонна ўғитнинг 50,3 млн. тенгеси қопланди. Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги майдонлардан самарали фойдаланиш масаласига асосий эътибор қаратган шаҳар раҳбари ҳужжатлари йўқ ва сегментацияланган экин майдонларини қонунлаштириш ишларини назоратга олишни, фойдаланмаётган ерлар бўйича тегишли ишларни бажаришни топширди.

Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.



ОНА ТИЛИДА ЎҚИБ-ЎРГАНГАНГА НИМА ЕТСИН!

Юртимизда кўпдан орзиқиб кутилган тарихий воқеа рўй берди. Жанубий Қозғоғистон давлат педагогика университетидида “Ўзбек тили ва адабиёти” ихтисослиги очилди. Пандемия сабабли тизимга масофавий технологиялар жорий этилиб, талабалар ўқиш жараёни ва битирув имтиҳонларини онлайн шаклда ўтказишмоқда. Бугун мана шу долзарб масалалар ҳақида суҳбатлашамиз.

Танишинг: Жанубий Қозғоғистон давлат педагогика университетининг ректори вазифасини бажарувчи, доцент, тарих фанлари номзоди Гулжан Даулетбек кизи Сугирбаева (суратда).

– Ўзбеклар зич яшайдиган Қозғоғистон жануби учун ушбу ихтисосликнинг очилиши ғоят муҳим ҳодиса. Бу ташаббус кимдан чиқди?

– Маълумки, бугунги кунда Қозғоғистон жанубида 700 мингга яқин ўзбеклар яшайди, ўзбек тили ва аралаш тилларда ўқитиладиган 136та умумий таълим муассасаси мавжуд. Шунинг учун, ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқитувчи тайёрлаш – муҳим ва долзарб вазифалардан бири саналади. 2019-2020 ўқув йилида университетимизнинг Филология факультети, “Қозғоқ тили ва адабиёти” кафедраси қошида “6В 01706 Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисини тайёрлаш” ихтисослигини очиб, айтиш керакки, тарихий аҳамиятга эга ишга қўл урдик. Бугунги кунда, айниқса, яқин келажакда (2-3 йилдан кейин) мактабларда ўзбек тилидан дарс берадиган ўқитувчиларнинг аксарияти нафақага чиқиш эҳтимоли борлиги учун кадрлар танқислиги яққол сезилаётган эди. Шу боис бу ихтисосликни ўз вақтида очиб, ўзбек тили муассасалар учун фойдали иш қилдик, деб айта оламиз. Ушбу ташаббусимизни Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Қозғоғистон Республикаси ўзбекларининг “Дўстлик” ҳамжамияти, Шимкент шаҳар, Туркистон вилоят илмий-услубият марказлари қўллаб-қувватлашди, шунингдек, Ю. Сарёмий номидаги 107-сонли мактаб-лицей, Ҳамза номидаги 42-сонли, Ойбек номидаги 14-сонли мактаблар ҳамкорлигида ишларимиз фаоллашди.

– Ушбу ихтисосликка ҳам давлат грантлари ажратиладими?

– Албатта, ўқув грантлари сўзсиз ажратилади. Шунинг учун биз ўзбек тили ва адабиётини танлаган барча битирувчиларни университетимизда ўқишга таклиф қиламиз.

– Қўшни давлат домлаларини ҳам университетда ишлашга таклиф этдингизми?

– Юқорида айтиб ўтганимдек, Алишер Навоий номидаги университет билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. Жорий ўқув йилида ўзбек профессор-ўқитувчилари даргоҳимизга келиб, 1-босқич талабаларига маъруза, амалий дарс-семинарлар ўтишди. Шунингдек, ўзбекистонлик устозларни доимий иш билан таъминлашга, келажакда ихтисосликнинг махсус кафедра бўлиб шаклланишига замин ҳозирланди.

– Университетда ўзбек тили ва адабиёти фанига оид дарсликлар тайёрланадими?

– Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, ўзбек тилидан олий тоифали мутахассис, ўзбек тилли мактаблар учун тайёрланадиган (“2- 4-синфлар учун ўзбек тили ва адабиётини ўқиш”, “5-9-синфлар учун ўзбек тили ва адабиёти”, “10-11-синфлар учун ўзбек тили ва адабиёти”, – Таълим мазмунини янгилаш доирасида Қозғоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги, И. Алтинсарин номидаги Миллий билим академияси бунюртмаси асосида) дарсликлар, ўқув дастурларининг муаллифи Шаҳло Жамол кизи Норалиева – университетимиз фахри. Янги ихтисослик очилиши учун югуриб-елган, ўзбекистонлик ҳамкорлар билан музокаралар юритган, ихтисосликка оид барча ўқув дастурларининг муаллифи бўлибгина қолмай, балки республика ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раисининг таълим соҳаси бўйича ўринбосари, илмий ва таълимий кенгаш аъзоси сифатида қозғоғистонлик ўзбекларнинг кирилл алифбосидан латин алифбосига кўчиш масалалари бўйича ижодий гуруҳнинг етакчиси ҳамдир. Қолаверса, барчага маълумки, икки йилдан буён университетимизда

жараёнларни қайта кўриб чиқдик. Дастлаб, ўқитувчилар ва талабалар учун ўқув семинарларини уюштирдик. Рақамли таълим ресурслари маркази ходимлари бир неча соат ичида масофадан ўқитиш технологияси бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқишди ва ўқитувчи-талабаларимизни ўқитишга киришишди. 16 мартдан кейин ҳамма устозлар уйда ишлашни бошлашди. 4 мингга яқин йигит-қизни онлайн ўқитишнинг ўзи бўлмади, албатта. Деярли, ҳар куни педагоглар билан онлайн учрашувлар ташкил этдик. Таълим вазирлиги, ОУЮ раҳбарияти, устозлар ва талабалардан тузилган узвий ҳалқа юзага келди. CALL марказини очиб, ёшлар ва ота-оналарнинг кундалиқдаги турли саволларига жавобларни таъминлаб турдик.

– Зерикарли маърузалар ўқиш, конспектлар ёздириш каби усуллардан воз кечиб, янги таълим услубини қўллаётган устозларнинг фикри қандай?

– Айни кунларда педагогларнинг савиясини ошириб бориш, ўзаро тажриба алмашиш учун онлайн-семинар, вебинарлар ўтказишни тўхтатмаяпмиз. Ҳозирда ўқувни бошқаришнинг асосий тизими – «UNIVER 2.0» ахборот таълим портали

– Жорий ўқув йилида 1300 чет эллик талаба ўқиётган эди, деярли ҳаммаси уйларига кетиб қолишди. Фақат 14 нафар туркменистонлик ва ўзбекистонлик фуқаро қолди. Уларни энг яхши ётоқхонага жойлаштирдик, компьютер ва пул билан таъминладик, тиббий ёрдам ташкил қилдик.

– Бугунги кунда масофадан ўқитишда муаммолар бўлмаяпти?

– Бор, албатта. Интернетнинг яхши ишламаслиги қишлоқ жойларда яшайдиган талабалар, Ўзбекистон фуқаролари учун қийинчилик туғдирмоқда. Электр қувватининг ҳам тез-тез узилиб қолиши сабаб, қолаверса, ўқитувчиларсиз дарс тайёрлай олмайдиган талабаларга енгиллик бўлиши учун университетда руҳий ёрдам марказини барпо этдик. Кейин, педагоглар орасида ёши катта ўқитувчилар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Улар замонавий технологияларни ўзлаштиришда қийналишади.

Азиз муштарий, замонавий ҳаётнинг асосий талаби – онлайн шаклдаги ўқув ҳақидаги маълумотлар билан танишдингиз. Истаймизми, йўқми онлайн ва офлайн шакли ҳаётимизга кириб келди. Биринчиси- онлайн маърузалар, видеочатларни ўз ичига олса, иккинчи-



ўзбекистонлик талабалар ўқишади. Улар (1500 талаба)нинг қозғоғистонлик талабалар билан бирдек таълим олиши, моҳир мутахассис бўлиб етишиши учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Чет эллик талабаларни мослаштириш маркази университет раҳбарияти тасдиқлаган йиллик иш режасига мувофиқ, ўзбек тилида кўп-кўп тадбирлар ўтказиб келади. Шаҳло Норалиева ана шу марказнинг директори ҳамдир.

– Карантин шароитида янги механизм – онлайн шакли барча тармоқларни эгаллади. ОУЮда масофадан ўқитишнинг ижобий ва салбий томонларини айтиб берсангиз...

– Хорижий давлатлар тажрибаси ва бугунги вазиятдан келиб чиқиб, олий ўқув юртимизда талабаларни онлайн шаклда ўқишга биринчилардан бўлиб кўчдик. Ростини айтиш кераки, кўп нарсани ўрганишга тўғри келди. Инсонлар тақдирини ҳал қиладиган вазиятларда чуқур мушоҳада юритиб, тезкор қарор қабул қилиш талаб этилади. Таълим вазирлиги қарор чиқарган кунидеъ, биз ҳам вақтни бой бермай, янги тартибни жорий эта бошладик. Карантин вақтида университетнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун ички

ва ёрдамчи тизимлар – ZOOM, WEBEX, Whats APP, Youtube платформаларидан фойдаланяпмиз. Бундан ташқари электрон почта тизимлари – mail.ru, gmail.com, google.com. ҳам кенг ишлатилади. Zoom барча турдаги дарсларни жонли эфирга узатиш ва ушбу мавзу бўйича долзарб масалаларни муҳокама қилиш имкониятини бермоқда. Ҳар бир талаба ва устознинг таълим порталида шахсий саҳифаси бор. Хуллас, марказлаштирилган дастур ҳаммага битта тўлқинда барча маълумотлардан баҳраманд бўлиш имконини бермоқда. Бу ўқитувчи учун ҳам, талаба учун ҳам афзаллик, қулайлик, албатта. Махсус қодалар қабул қилиб, ўқитувчи нутқини раво қилиш, юз тузилишидаги хатти-ҳаракатлар (мимика), ҳис-туйғулар, кайфият, руҳий ҳолат қандай бўлиши кераклигини ҳам ўргатдик. Чунки уларнинг зиммасига 5371 талабадан 3904 нафарини (1,2,3-босқич), магистр ва докторантларни ўқитиш масъулияти тушди-да. Факультет деканлари эса инстаграмда видеоанжуман ва бевосита мулоқотлар уюштириб туришди. Буларнинг ҳаммаси устозларга осон бўлгани йўқ.

– Карантин пайтида чет эллик талабаларнинг аҳволи нима кечди?

си- ихтисосликни мустақил равишда ўзлаштиришни қамрайди. Талабалар йилига 2 марта сессия топширишади. Қозғоғистонда 2019 йилда сиртқи бўлим ёпилди. Шунинг учун сиртдан ўқишни истаганлар учун масофадан ўқиш энг қулай усулдир. Ногиронлар, декрет таътилидаги оналар, қишлоқ ёшлари, саломатлиги туфайли кундузги бўлимда ўқий олмайдиганлар, бошқа мамлакатларнинг фуқаролари, академик дастурларда ўқувчилар, хизмат сафаридида бўладиган, ишлайдиган, иккинчи олий маълумотга даъвогар талабалар, қамоқхона маҳбуслари учун энг афзал йўл ҳозирча шу. Шифокор, хореограф ва зобитлик сингари касблар учун масофадан ўқиш йўқ.

Айтганча, 2020-2021 ўқув йилида ЖКДПУда нафақат масофадан ўқишни фаоллаштириш, балки янги ихтисослик бўйича магистратура очиш ҳам кўзланмоқда. Келажакда Тошкентдаги ҳамкор ОУЮ билан икки дипломли лойиҳа устида ҳам ишлар юритилади.

Она тилимизда илмнинг сўнги янгиликларидан баҳраманд бўлишга нима етсин!

Н. МАВЛОНОВА.

Тўлебий тумани ҳоким қошидаги она ва бола масалалари бўйича кенгаш ташкил қилган давра суҳбатиди мана шу мавзу кўтарилиб, ажримга сабаб бўлаётган ҳолатлар, унинг олдини олишга қаратилган тadbирлар муҳокама қилинди.

Тўлебий тумани ҳокими қошидаги она ва бола масалалари бўйича комиссия раиси Гулмира Диханбаева учрашув қатнашчилари ва мухбиримизнинг саволларига жавоб берди, кенгаш аъзолари Д. Ибрагимова, З. Мекенбаева, А. Ўнгарова ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Г. Диханбаева:

– Эрта турмушга чиққан қиз, табиийки, оила қуришга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр бўлмайди. Бу эса оилавий муаммолар, эрта тугруқ, ажралиш каби нохуш ҳолатларга сабаб бўлиши, шубҳасиз. Хусусан, Европа руҳшунослар уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, эрта турмуш қурган ёшларнинг деярли барчасида узоқ муддатли руҳий эзилиш ҳолати кузатилади экан. Шунингдек, эрта турмушга чиқиш оқибатда аёлларда юздан зиёд касалликлар юзга келиши мумкин.

Д. Ибрагимова:

– Эрта турмуш қурган йигит-қизлар никоҳи узоққа бормаяпти. Зеро, ҳаётий тажриба етишмаслиги, қолаверса, турмуш, рўзгор борасидаги тасавурлар торлиги сабаб, улар ҳар қадамда муаммога дуч келишлари аниқ. Охир-оқибат, эса “ҳаммасига тақдир айбдор” бўлади... Қизга қирқ уйдан тўсиқ, деган шарқона мақол наҳотки бугунги кунда унутилаётган бўлса?

– Жамиятда эрта турмуш ҳолатининг кўпайишига сабаб нима?

Г. Диханбаева:

– Биринчи ўринда ота-она, кейин эса жамоатчиликнинг лоқайдлиги! Ваҳоланки, никоҳ ёши Қозғоғистонда 18 ёшдан бошланади. Шунинг учун 16 ёшдаги қизини турмушга бераётган ота-она никоҳ ўқитиб қўя қолишади. Исломда ҳам истаган ёшда никоҳ ўқилаверсин, деган қоида йўқдир, улар ҳам никоҳ ўқишдан аввал қизнинг гувоҳномасини суриштирса нима қилади? Президент қошидаги аёллар иши ва оилавий-демографик комиссия раиси Асия Хайрулина бундай ҳолатларда қизни қонун ҳимоя қилмаслигини бир неча бор оммавий ахборот воситаларида ўқирди. Келин билан ажралиш учун уч марта айрилган «талок» сўзи кифоя экан. Ана ундан кейин у ҳимоясиз бўлиб қолади. Шунинг учун бу масала юқори ташкилотларда қаралмоқда, депутатлар эрта никоҳни тўхтатишга қаратилган ўзгаришларни «Оила ва никоҳ кодекси»га киритишмоқчи. Эски Жиноий кодексимизда эрта қурилган никоҳ учун жазо бор эди, янгисиди ҳозирча йўқ. Никоҳ ёшига амал қилмасликка қарши чора-тадбирларни кучайтириш кўзда тутилмоқда. Шунинг учун баъзи ота-оналарнинг онгини алмишоқдан қолган эскилик сарқитлардан тозалашга фақат бизнинг кучимиз етмайди. Бунинг учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилиши лозим. Ёшларда соғлом ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилишни рағбатлантириш барчамизнинг

бурчимиздир. Буни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ!

Д. Ибрагимова:

– Оила муаммолари бўйича туманлардан бирида ўтказилган йиғинда сўзга чиққан бир киши айрим аёлларимиз кийиниш маданиятини билмаслиги, эстетик дидсизлиги туфайли оилаларда ажралишлар содир бўлаётгани ҳақида гапириб, жойларда, айниқса, хотин-қизлар кўмиталари қошида аёлларни “замонавий маданиятга ўргатувчи” клублар-



ни, “таништирув уюшмаларини” ташкил этиш лозимлигини ўқтира бошлади. Эсимда, ўтган асрнинг 70-80 йилларида, гоҳ тушуниб-тушунмай, ана шундай мавзуда гапириб келинган, шаҳар “маданияти”ни қишлоққа олиб бориш учун “юриш”лар қилинган эди. Оқибатда нимага эришилди? Оилалар бузилишию ажралишлар сони нафақат шаҳарларда, қишлоқларда ҳам ортаверди.

Бугун, тасаввур қилинг, жамиятимизнинг асосий негизи бўлмиш оилада содир бўлаётган катта-кичик муаммолар сабабини жўнгина қилиб, ана шу йиғилишда айрилган гап – “аёлнинг кийиниш маданияти ва эстетик диди етишмаслиги”га боғласак, инсофдан бўлармикан? Агар шу нарса оила пойдеворини мустаҳкамлайдиган асосий шартлардан бўлганда эди, аксарият “замонавий” аёллар тақдир қилиб эргашадиган “кийиниш маданияти”га эга, юқоридагича қатор-қатор клублари ишлаб турган Европа мамлакатларида оилалар барқарорлиги ҳавас қиларли даражада бўлмасми?! Ахир, бу борадаги рақам уларда бугун энг юқори кўрсаткичларда экани ҳаммамизга аён-ку!

Масалага жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, кеча ҳам, бугун ҳам оилалар бузилишига сабаб бўлаётган омилни жамиятимиздаги аксарият қусурларни келтириб чиқараётган маънавиятимиздаги ноқисликдан изламоғимиз керак бўлади. Масалан, қўли қисқароқ оилага келин бўлиб тушган қиз отамерос қаноатга суяниб, жуфти билан аҳил-иттифоқликда умргузаронлик қилмай, сабру шукронадан йироқ ҳолда, эрининг олдига юз хил талабни қўяверса, бетгачопарлик қилаверса... Ёки унинг онаси: “Қизим тушган жойда кўкарсин”, дея бир четда турмай, узатган қизининг шахсий ҳаётига ҳудабехудига аралашаверса-чи?.. Келин қилмиш қайнона фарзандларининг бахтидан ҳою-ҳавасни баланд қўйиб: “Отанг уни олиб бермади, буни олиб келмади”, каби дийдиёлари билан келини ва қудаларининг юз-кўзини очир-маса... Келинчек эса шарқона

одобу оила тутишдан мутлақо беҳабар бўлса-ю, турмуш ўртоғи олдидаги бурчу вазифасини “тенг ҳуқуқлик”ни даъво қилишдан иборат деб билса... Куёв тўра ҳам оила фаровонлиги учун куйиб-пишмай, ота-онаси қўлига қараб, устига-устак ичиб-чекиб юрадиган “бекорчи хўжа”га айланиб, ҳалолликдай улуг бойликни “кўча ҳавоси”га алмаштириб, хиёнат кўчасида изғиб юрса... Шак-шубҳасиз, бундай хонадонлардан хотиржамлик кетади, оила пойдевори нурай бошлай-

унга заррача бўлса-да, ачинмай кўясиз. Чунки, ҳар қайси фарзандининг фамилияси ҳар хил. Турмуш ўртоғи ҳақида эса тайинли гап айтолмайди. Бир гал эрини “ўлган”, бошқа гал “касал ётган”, яна бир гал эса “бошқа аёлни толиб, бола-чақасини ташлаб кетган” дейди. Аммо унинг ўтмишини билганлар, аёл биринчи бахтини “капрон пайпоқ кийдирмади, эркимни бўғди”, деб “сувларга оқизиб юборган”ини, ундан кейин ҳавойилиги, беқаноатлиги боис неча марта никоҳлини ни-

Бахт қўрғони мустаҳкам бўлсин!

ди-да. Ахир, атрофимизда бундай тақдирли оилаларни гоҳида кўриб келаяпмиз.

Барча қусуру камчиликларни тугатишнинг бирдан-бир йўли маънавиятни бойитиш билан кечадиган ибратли умргузаронлик эмасми? Шу аснода келинларимиз, қизларимиз “тоғ келса кемириб, дарё келса симириб...” яшган буви-оналаримизнинг гўзал шарқона одобу фазилатларини ўрганиш, муборак динимизда оилани асраш-ардоқлаш борасида айрилган ояту ҳадисларларни, улугларимизнинг шу аснодаги ўгиту насиҳат, пурҳикмат сабоқларидан таълим олишлари керак эмасмикан?!

З. Мекенбаева:

– “Қаноатли бўл, умр йўлдошинг келтирган озиқ-овқат, кийим-кечакнинг ҳаммасини мамнуният билан қабул қил. Айтар гапларини ҳамиша диққат билан эшит, ҳамиша итоатда бўл. Эрининг овқатланиш соати ва уйку вақтига диққат қил. Чунки очлик кишини тажанглаштиради, уйқусизлик хафаликка сабаб бўлади. Унинг яқинларига чиройли муомалада бўл. Сирларини зинҳор бировга айтма. Хурсанд бўлса, сен ҳам шундай кайфиятда тут ўзингни, хафа пайти ўзингни хурсанд кўрсатма!”, дея бизга йўл-йўриқ кўрсатарди оқила молларимиз. Уларнинг бугун биз эътироф қилган “кийиниш маданияти” эстетик дид” сармеваси бўлган калта, чокли юбкалару кесилган сочлардан фарқли “эрга хуш ёққан пардоз”лар ҳақида ҳам келинчагу қизларимизга ўргатулик чиройли шарқона ўгиту насиҳатлари бор. Буларнинг ҳар бирини ўқиш-ўрганиш, уларга эргашиш учун миллатимизнинг ана шундай маънавий бойликлари жамланган китобларни ўқиб бормоғимиз, улардан керакли сабоқлар олмоғимиз керакдир.

А. Ўнгарова:

– Бир аёлни биламан. Уч-тўрт нафар боласи бор. “Бир этак етимлари” (аслида, тирик етимлари)ни боқиб учун ёрдам сўраб, эшикма-эшик юрарди. Аммо вазиятга яқинроқ ёндашиб, уни яхшироқ “танимоқчи” бўлсангиз, болалари билан дахлдор фактларни суриштира бошласангиз,

коҳсиз (?) турмуш қилган бўлса, ҳаммасидан бола орттириб олгач, энгил-елпи орзу-ҳавасларни деб ажрашиб кетганидан ҳам хабардор.

Бугун унинг тўнғич қизи она изини “беҳато босиб” юрибди. “Кийиниш маданияти ва эстетик дид” масаласида қойилмақом сабоқлар бера оладиган кейингиси ҳам тўй-тантана билан турмушга чиққан, фарзанд кўрган эди, лекин кўп ўтмай, “турмуш ўртоғим хиёнат қилди”, деган айбномани қўйиб, эр уйдан чиқди-кетди. Бугун эса ўзи не-не аёлларнинг “ширин ош”ларига пашша бўлиб, “тунги капалаклар” бозорини қиздирапти. Бу қизларга эндиликда ёши бир жойга бориб қолган онанинг ўзи бир вақтлар “намуна” бўлган эди...

Д. Ибрагимова:

– Оила – муқаддас даргоҳ. Кимки бу даргоҳга хиёнат қилса, топтаса, парокандалик сари бундаса, ҳеч қачон бири икки бўлмайди... Оиланинг бузилиб кетишига сабабчи бўлган аёл ёки эркак ўзларини ўйлашади. Аммо шу оиланинг кичик аъзолари, болаларни ҳисобга олишмайди. Болаларнинг тақдир, келажаги ҳақида ўйлашганда, балки ажралиш деган сўзга яқинлашмаган, оилани барбод этмаган бўлишарди. Қайси бола ё отасиз, ё онасиз тирик етим бўлиб яшашни истайди? Вақти келиб, бу ёмон иллат фарзандда такрорланмаслигига ким кафолат бера олади? Шаҳарда бундай ҳолатлар кўп бўлса ҳам, кўзга илтимаслиги мумкин, аммо қишлоқларда тез кўзга ташланади.

З. Мекенбаева:

– Ҳозирги кунда оилаларнинг бузилиб кетиш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги ачинарлидир. Баъзилар бу ҳолатга иқтисодий шароитни рўқат қилишади. Йўқ, бундай иллатларга иқтисодий шароит эмас, тўқликка шўхлик, бемехрлик, оқибатсизлик сабабдир. Бундай ҳолатларни яна қандай баҳолаш мумкин? Ёш келин-куёвларга айтаримиз – муқаддас оила ришталарининг мустаҳкамлиги, оилавий ҳаётнинг тинч-осойишта, роҳат-фароғатли ўтиши ўз қўлингизда. Оила соҳибу соҳибалари ҳар қандай қийин-



чиликни биргаликда енгиб ўтишину, оиланинг кичик аъзолари – гўдақлар бўзлаб қолишмасин. Орзулар армонга, севгилар саробга айланмасин! Қиссадан ҳисса шуки, ўша аёл илк турмуш қурган йилларида момоларимиз неча минг йиллардан бери амал қилиб яшаган сабру қаноатга, вафою садоқатга суяниб, эри олдидаги вазифаларини чин ихлос билан бажариб, фарзандлари олдидаги масъулиятини ҳис этиб яшаганида эди, оила қўрғонини асраб қолган бўларди. Ва... кейинги кўргуликлар ҳам содир бўлмасди, эҳтимол.

А. Ўнгарова:

– Отадан ибрат, онадан меҳр-муҳаббат деган нақл бор, у фарзандларимизни оила қуришга тайёрлашда жуда қўл келади. Бу нақлни тарбия мактаби деб билишимиз лозим. Бу мактабда тартиб-интизом қанчалик кучли бўлса, оила ҳам шунчалик мустаҳкам бўлиб бораверади. Боланинг жисмоний, ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсиши атрофида соғлом фикрли, гўзал ахлоқли инсонлар бўлишига боғлиқ. Бола ҳар жиҳатдан улгарга ўхшашга ҳаракат қилади ва уларнинг фикридан, ахлоқидан баҳраманд бўлади.

Гўдаклик чоғида кўрган-кечирганлари, олган билимлари, эшитган панд-насиҳатлари, эртақлари бола хотирасига жойлашиб, умрининг охиригача сақланиб қолади ва шахс сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, оилада соғлом муҳит яхши шаклланиш бўлса, унда унинг-ўсган фарзанд ҳам баркамол бўлиб вояга етади.

Кейинги вақтда бола тарбиясида оиланинг, яъни ота-онанинг роли камайиб бормоқда, деган тушунча пайдо бўлмоқда. Олимлар бунинг сабаби оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевизор, радио, интернетнинг инсон онгини чулбақ олаётганлигида, деб баҳоламоқда. Яна муҳим сабаблардан бири, ота-она ўзларининг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида, меҳнат жараёнида ўта фаоллашиб кетиб, бола тарбиясига вақт топа олмаётганлигидир. Кексаларда шундай гап бор, “болани ота-она тарбия қилмаса, уни кўча муҳити тарбия қилади”. Болани гўдаклигидан тўғри тарбия қилиш кўпроқ она зиммасига юклатилган.

Аёл ҳазинага тенг сўзлари билан, ишлашга, сабр-тоқатга, ризқ топишга, вақтдан тўғри фойдаланишга, бешиқдан қадрга илм олишга даъват этувчи, руҳий мадад берувчи буюк зотдир.

Хулоса қилиб айтганда, оила келажаги яхши фарзанд биландир. Фарзандлар камоли ота-онага чексиз бахт ва фахр туйғусини инъом этади. Аслини олганда, ҳар бир оила фарзанд билан тўқис ва мукамалдир. Оила мувозанатини фарзандлар асрайди.

Б. ДҮСМАТОВА.



Кентов шаҳрига қарашли Учқайиқ қишлоқ округида Така қишлоғида истиқомат қилувчи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Абдулла Раҳим ўғли Расулов муаллимликдан нафақага чиққан. Сухбатимиз режалар ва маънавиятга бағишланди.

– «Жанубий Қозоғистон» обунасини ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларингиз учун ташаккур.

– Обуна ҳар биримиз учун давлатимизнинг тинчлик-тотувлик сиёсатига, она тилимизга ҳурмат учун

«ТУРКИСТОНГА КУРСДОШЛАРИМИНИ ТАКЛИФ ЭТАМАН»

қадрли. Ҳар галгидек 20 обуначини газетага дўстлаштираман.

– **Ўтган галги мақоламизда сизни кўхна, мусулмонча суннат – хатна устаси сифатида вилоятимизда кўп жойларда эъзозлашини эътироф этгандик...**

– Тўғри, мен укаларим Муталлиб, Бахтиёр, ўғилларим Ёқубжон ҳамда Толибжонлар билан биргалликда вилоятда, қолаверса мамлакатимиз бўйлаб масжидларда, намозхоналарда болаларни суннат қиламиз. Ўрта ҳисобда бир бола хатнасига узоғи 2 дақиқа сарфланади. Масъулият биз учун муҳим. Бирор шикоят, ўпка-гина эшитганимиз йўқ. Аксинча миннатдорчилик ва раҳматлар бизга йўлдош.

– **Ўтган йили Ўзбекистонда, тарихий Самарқанд шаҳрида 42 йил аввал бирга ўқиган собиқ курсдошларингиз билан учрашган эдингиз...**

– Мен Тошкентдаги Низомий номидаги Давлат педагогика институтини 42 йил муқаддам аълога тамомлаганман. Ўтган йилги учрашувга умр йўлдошим Дилбар Озодберган қизи билан бирга бордик. Сафар ўта ажойиб ва таассуротга бой бўлди. Элбошимиз Н. Назарбаев Фармони билан Туркистон вилояти ташкил этилиб, маркази Туркистон шаҳри бўлиб белгилангач, мен ҳам курсдошларимни қадрдон Туркистонга таклиф этиш ниятидаман. Улар бугунги Туркистонни, бугунги залворли замонавий қурилиш ва ўзгаришларни кўриб, хайратланиши турган гап.

– **Сухбатингиз учун ташаккур.**

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Абдулла Расулов умр йўлдоши Дилбар Озодберган қизи билан Самарқанд сафарига.

● Обуначиларимиз орасида

Ёшлиқда меҳнат – кексалиқда зийнат



Солиддин Ҳоширов узоқ йиллар Туркистондаги йўл ва қурилиш машиналарини таъмирловчи корхонада чилангар бўлиб меҳнат қилди. Зарбдор меҳнати учун муносиб мукофотлар ҳам олди. Умр йўлдоши Дилбар Бобон қизи билан фарзандлари Рўзбой, Рустам, Дилдор, Русланларни тарбиялаб, 14 нафар ширин-шакар неваралар кўришган. – Шаҳримиз ободонлашиб, халқаро туризм маркази сифатида қарор топмоқда. Мана шундай масканда яшаётганимиздан, ҳар бир кунимиз бунёдкорлик меҳнатлари билан файзли яхшиликлар шоҳиди бўлаётганимиздан, эртанги кунга ишонч мустаҳкамликдан қалбимиз шукрона ҳисси билан тўла, – дейди С. Ҳоширов.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Солиддин ва Дилбар Ҳошировлар.

Сыбайлас жемқорлық – індет

КУШ БІРІКТИРІП КҮРЕСКЕН ЖӨН

Сыбайлас жемқорлықпен күресу мемлекетимиздің бүгінгі күнгі күрделі мәселеси болып табылады. Бұл індет – үлкен әлеуметтік қасірет. Ата-бабаларымыз да деп басып «тура биде туған жоқ, туғанды биде иман жоқ» деген. Олардың әділдік пен турашылдықты ту еткендігіне ғасыр қайраткерлері Төле би, Қазыбек би, Әйтеке би және тағы да басқа біртуар билер мен шешендердің өмірі дәлел болатындығын біз тарихтан жақсы білеміз. Ел болып еңсемізді көтергенімізге, тәуелсіздігімізді алып, бүкіл әлемге танылғанмызға жиырма тоғыз жыл өтті. Осы жылдарда мемлекетіміз өзінің біртұтастығымен, ажырамас бірлігімен танылды. Қоғам дамуының жаңа жолын таңдап, уақыттан туындаған әртүрлі кеселдерден айығуды міндет етіп қойды. Ол жол – Елбасымыз, Тұңғыш Президентіміз Нұрсұлтан Әбішұлының бастауымен алға қойылған сыбайлас жемқорлықпен күрес жолы. Сондықтан, сыбайлас жемқорлықпен күресу барлық Қазақстан Республикасы тұрғындарының азаматтық борышы деп білу керек.

Н. КЕНЖЕБАЕВ,

Түркістан қаласы №1 мамандандырылған өрт сөндіру бөлімі бастығының орынбасары, азаматтық қорғау аға лейтенанты

Кентов шаҳар Эски Иқон қишлоғидаги Аҳмад Ясавий номли мактаб жамоаси ўқитувчилар Ирода Содиқовага акаси, Гулшан ва Муборак Абдувоитоваларга падари бузрукворлари

Нурсултон РОЗИҚ ўғли-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти Сайрам тумани бўйича ветеринария хизматининг бошлиғи Бекжон Ҳалимжоновга ва тадбиркор Йўлдошбек Исмоилжон ўғлига падари бузрукворлари

ИСМОИЛЖОН ота-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!

МӘМС пакеті: САҚТАНДЫРЫЛҒАНДАРҒА КӨРСЕТІЛЕТІН ҚЫЗМЕТ ТҮРЛЕРІ

1) емханалық-амбулаторлық көмек (әлеуметтік мәні бар аурулар мен өкілетті орган тарапынан бекітілген тізімдегі айналасына қауіп төндіретін сырқаттарға шалдыққандарға көрсетілетін медициналық көмекті қоспағанда):

- алғашқы медициналық-санитарлық көмек;

- алғашқы медициналық-санитарлық көмек маманының және салалық мамандардың жолдамасы бойынша консультациялық-диагностикалық көмек;

2) амбулаторлық деңгейде дәрігердің рецептісі бойынша дәрі-дәрмекпен қамтамасыз ету;

3) стационарлық көмек (әлеуметтік мәні бар аурулар мен өкілетті орган тарапынан бекітілген тізімдегі айналасына қауіп төндіретін сырқаттарға шалдыққандарға көрсетілетін медициналық көмекті қоспағанда):

- жоспарлы түрде ауруханаға жатқызу саны шеңберінде, алғашқы медициналық-санитарлық көмек маманының немесе өзге медициналық ұйымның жол-

дамасы бойынша көрсетілетін жоспарлы стационарлық көмек; бұған жоғары технологиялы медициналық қызметтер де кіреді;

- шұғыл көрсетілімдер бойынша – алғашқы медициналық-санитарлық көмек маманының немесе өзге медицина ұйымының жолдамасы бар-жоғына қарамастан;

4) алғашқы медициналық-санитарлық көмек маманының немесе өзге медицина ұйымының жолдамасы бойынша – стационарды алмастыратын көмек (әлеуметтік мәні бар аурулар мен өкілетті орган бекіткен тізімдегі айналасына қауіп төндіретін сырқаттарға шалдыққандарға көрсетілетін медициналық көмекті қоспағанда).

Мемлекет тегін медициналық көмектің мынадай түрлеріне көпілдік береді:

1) жедел медициналық жәрдем және санитарлық авиация;

2) әлеуметтік мәні бар аурулар мен өкілетті орган тарапынан бекітілген тізімдегі айналасына қауіп төндіретін сыр-

қаттарға шалдыққандарға, сондай-ақ, Қазақстан Республикасының «Міндетті әлеуметтік медициналық сақтандыру туралы» Заңы бойынша МӘМС жүйесінде медициналық көмек алуға құқығы жоқ тұлғаларға көрсетілетін емханалық-амбулаторлық көмек;

3) стационарлық көмек;

4) алғашқы медициналық-санитарлық көмек маманының немесе өзге медициналық ұйымның жолдамасы бойынша, әлеуметтік мәні бар аурулар мен өкілетті орган тарапынан бекітілген тізімдегі айналасына қауіп төндіретін сырқаттар кезінде стационарды алмастыратын көмек;

5) профилактикалық екпелер.

Наргиза ЮСУПОВА, психолог.

Гулнахар САЙДИЛЛАХАНОВА,

әлеуметтік қызметкер.

№ 12 Шымкент қалалық емханасының «Испиджаб» бөлімшесі.

Маман кеңесі

СУДА ШОМЫЛУ ЕРЕЖЕЛЕРІ МЕН ҚАУІПСІЗДІК ШАРАЛАРЫ

Жас балалардың суға шомыла білмеуі, адамдардың суда қауіпсіздік ережелері, шараларын орындамауы орны толмас қайғы мен өкінішке айналып жатады. Сондықтан осындай келеңсіз оқиғаларды болдырмау үшін, төмендегі ережелерді орындаған жөн: I. – Суға шомылатын жерді, жалпы жағдайды судың тазалығын, тереңдігін мұқият тексеріп алыңыз.

– Тамақ ішкеннен кейін бірден шомылмаңыз.

– Суға тек қана рұқсат етілген жерлер мен жағажайларда шомылыңыздар.

– Өте ұзақ шомылмаңыз, өзіңізді шаршауға және тоңып қалтырауға дейін жеткізбеңіз.

– Суға түскенде бір-біріңізді көзден таса қылмаңыз.

– Қоршау белгілерінен, буйлардан тысқары аумаққа шықпаңыз. –Техникалық ескерту белгілерінің, буйлардың және басқалардың үстіне шығушы болмаңыздар.

II. Көлдерде, тоғандарда, тоқтау сулар мен шалшық суларда шомылудың қауіптері.

Өзендер мен көлдерде, тоғандарда, тоқтау сулар мен шалшық суларда шомылудың қауіпі мол.

III. Аяқ-қол тырысуы (судорога) болғанда сіздің іс-әрекетіңіз

Суық суда шомылу қол-аяқтың тырысып қалуына әкеліп соғады.

– егер тырысу болғанда жүзуді тоқтатып суға арқаңызбен шалқалай жатыңыз, сабырлық сақтаңыз.

– Қолыңыздың саусақтары тырысып қалғанда жұдырығыңызды түйіңіз, қолыңызды бір жаққа қарай серле лақтырып, жұдырығыңызды ашыңыз.

– Балтыр бұлшық еті тырысқанда бүгіліп қолыңызбен аяғыңыздың басын қысып бар күшіңізбен өзіңізге қарай тартыңыз, немесе аяғыңызды судың астына созып, аяғыңыздың бармақтарын алға иіңіз. Содан соң балтырыңызды сылаңыз.

– Тырысу қойысымен тынығып алып, жүзудің басқа әдісімен жағаға шығыңыз. IV. Судағы қатерге ұшыраған адамға алғашқы көмек

Қатерге ұшыраған адамға көмек көрсеткенде мүмкіндігінше тездетіп оттегі жетімсіздігін қолдан дем алдыру тәсілін қолдану арқылы жойыңыздар.

– қатерге ұшыраған адамды судан алып шыққаннан кейін оның киімін беліне дейін шешіп, демалу жолдарының жоғары жағын және асқазанын судан босатуға кірісу;

– қатерге ұшыраған адамның аузын азу тістерінің әр жағынан саусақпен қармай, немесе қол орамалмен, не деке

оралған пышақ жүзімен, шай қасықтың сабымен немесе жалпақ темір затпен ашу керек.

– Ауыз ішін шырыш пен балдырдан тазалау керек.

– Қатерге ұшыраған адамның жоғарғы тыныс жолдары мен асқазанын судан арылту үшін оның кеудесін көмек көрсетушінің тізесінің бүгілген аяғының үстіне басып төмендетіп салып, кеуде сүйегінің астыңғы бөлімдерін ырғақпен қысып баса беру. Ең жеңіл және тиімді тәсіл - «ауыздан - ауызға» немесе «ауыздан - мұрынға» ауа үрлеу. Қатерге ұшыраған адамды бетін жоғары қаратып жатқызып, бір қолды оның мойнының астына жіберіп, екінші қолымен маңдайынан басып, басын мүмкіндігінше шалқайту. Бас бармақпен және сұқ саусақпен қатерге ұшыраушының мұрнын қатты қысып, демді ішке терең алып, оның аузына минутына 18-20 дем салу керек. Есте сақтаңыздар! Судағы апаттан қорғанудың ең сенімді жолы - суда шомылу ережелері мен қауіпсіздік шараларын қатаң сақтау.

И. СУЛЕЙМЕНОВ,
Түркістан қаласы №1 мамандандырылған өрт сөндіру бөлімі бастығының орынбасары, азаматтық қорғау капитаны.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ СЎЗ

Бизнинг қозоқларни ўнгирмай юрган бир қувонч, юпанч деган нарсалар бор. Улар эл ичида бир ёмонни кўришса ёки ўзи қилмаган қилиқни қилаётган бошқа бировни кўришса, ўлгудек қувонади ва: «Худойим бизни фалончидай бўлишдан сақласин! Шу ҳам ўзини дунёда одамман деб бош кўтариб юрибди-да. Унга қараганда бизлар обрўлимиз-ку, унга қараганда бизлар одамимиз-ку?» дейишади. Унга Аллоҳ таоло айтибдимики: «Сен ишқилиб фалончидан тузук бўлсанг бўлгани» деб? Ё билимдонлар айтибдимики: «Агар сендан ҳам ёмон кишилар топилса, сен у ёмонларнинг қаторига кирмайсан» деб? Наҳотки яхши турганда, ёмондан ибрат олинса? Ибратни яхшидан олган яхши-ку, ахир!



Масалан, дейлик: юз от пойгага қўшилса-ю, бир от пойгада ўзиб чиқса, ўша пойгада ўзиб чиққан кишидан: олдинда неча от бор эди, деб сўрайди-ку! Орқанг да неча от бор эди, деб сўрашнинг нима қизиғи бор? Мен беш отдан, ё ўн отдан илгари эдим, деган сўзнинг нимаси қувонч? Яна улар: «Ёлғиз менми, эл-юртнинг ҳаммаси шундай қилиб юрибди-ку!» – дейди. «Кўпга келган улуг тўй, кўп нима бўлса,

биз ҳам шу-да» деган сўзларни ўзларига юпанч қилишади.

Наҳот унга худой таоло: «Ишқилиб кўпчиликдан қолмасанг бас, кўпчиликка қаҳрим йўқ, кўпчиликни тизгинлаб олишим кийин», деб айтган бўлса? Ахир ҳамма бирдек илми бўлмайдими-ку? Ёки у бир одамдангина тарқалибдими? Илм-хунар кўпчиликдан тарқаладими? Ёки бир одамданми? Кўпчилик озор чекмайдими? Маса-

лан, бир уйли жон тугал касал бўлиб қолгани енгил тегадими ёки ярми касал бўлиб қолганими? Наҳотки кўпчилик йўл билмай адашиб қолганда, йўл биладиган бир одамнинг кераги йўқ бўлса? Ёки кўп йўловчининг оти ҳоригани яхшими, ё ярмисининг оти ҳориганими? Агар ют келса, эл-юртнинг ҳаммаси ютгани, ё ярмиси ютиб, ярмиси омон қолгани яхшими?.. Хўш, мана шу кўп аҳмоқнинг бир аҳмоққа нимаси юпанч? Уруғ-аймоғимиз билан ўзи ҳаммамизнинг оғзимиз шунақа сассиқ, деб ваз қилган ёмон кувё қаерда қайлиғини тинчита олибди экан шунчалик? Ёки қайси бечора қайлиқ ҳеч замонда: бўлмаса сен ҳам ўшаларга ўхшаб оғзингни саситиб юравер, деб розилик берибди?

Носир **ФОЗИЛОВ**
таржимаси.

• Йигит кишига қирқ хунар оз

ФОЗИЛ АКА ЯРАТГАН БОҒ

Меҳнат фахрийси, 68 ёшдаги Фозил Ҳамидуллаев ўтган асрда Туркистонда фотография соҳасида саноклигина таниқли мутахассислардан бири сифатида тер тўккан.

Шаҳар, туман партия, ижроия кўмитаси анжуманларини тасвирга олиш, вилоят ва давлат раҳбарлари – хусусан Д. Қўнаевни расмий ташрифи чоғида кўп йиллар мобайнида тасвирга олиб, мулоқотда ҳам бўлган. Нафақага чиққач, бугунги кунда шаҳар аҳолисини тоза оби ҳаёт билан таъминловчи «Водока-

нал» корхонасида меҳнат қилмоқда. Лекин, асосийси бу эмас. Фозил ака шаҳардаги хонадонидagi ўн сўтих ҳовлисида ажойиб боғ яратиб, ўндан зиёд сархил мевалар етиштирмоқда.

Ўрик, олма, гилос, ёнғоқдан тортиб то аноргача. Анорни асосан Ўзбекистонда, хусусан, Фарғонада етиштиришади. Лекин, Фозил ака ихлос, идрок ва қатъийлиги билан бу мевани мана қатор йиллар бадалида иқлими нисбатан салқин Туркистондаги хонадонида етиштириб, мевасидан баҳраманд бўлмоқда. Ток новдаси каби анор дарахти кеч кузда кўмилиб, эрта баҳорда очилиши ва алоҳида кутими борлиги ҳам чўт эмас. Меҳнат, ихлос ва эътиқод бўлса бас.

– Бозордан мева сотиб олмаймиз. Барчаси ўзимизда етиштирилади. Қишга сақлашга умр йўлдошим Клара Сайдан қизи уста. Фарзандларим ва беш нафар невараларимиз учун бу дармондорилар қони ҳи-

собланади. Бошқа ҳамшаҳарларимизни ҳам ҳовлида боғ яратиб, мева етиштиришга даъват этаман, – дейди Фозил ака. Таъкидлаш жоиз – Ф. Ҳабибуллаев ака-укалари, қариндош-уруғларининг газетага обунасини уюштиришда камарбаста.

Ш. МАДАЛИЕВ.

P.S. Ҳозир вилоят марамайса-газон экиб, мевали дарахтлардан, мўъжазгина экиндан воз кечиб анъанага айланмоқда. Бу – ҳар фуқаронинг ўз ихтиёри. Лекин, ўн сўтих майдон кўриниши чиройли, аммо самараси йўқ майса билан банд бўлиб, дастурхонга зарур мева-чева, полиз-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмаса, бизнинг ўзбеклигимиз, аждодларимиз элни боққан бобо деҳқон бўлганлиги қаёқда қолади?

Қарноқ қишлоғидаги Маъмуржон Бобохонов раҳбарлик қилаётган «Қарноқ» умумий ўрта мактабининг 8-синф ўқувчиси Малика Нишонбоева Америка Қўшма Штатларида бир йил давомида грант асосида ўқийди.

Бунга у тинимсиз изланиши, Достон Абдалиев раҳбарлик қилаётган «Result school» ўқув марказидаги аъло ўқиши туфайли эришди. Халқаро «FLEX» танловида «Пешқадам ўқувчилар алмашиш дастури» бўйича ғолибликка эришган ҳамқишлоғимизнинг устозлари, ота-онасини эришилган улкан муваффақияти билан муборакбод этиб, янги зафарлар тилаймиз!

Бекзод **ҲАБИБОВ**,
Қарноқ қишлоғи
ўзбек этномаданият
бирлашма раиси.

Малика Америкада ўқийди

НИШАНБАЕВА МАЛИКА АХРАРОВНА
Ўзбекистон оолиси, Кентау қаласи, Қарнақ аҳуылы.
Қарнақ жалпы орта мектебiнiң 8-сынып оқушысы.
Халықаралық «FLEX» - байқауының жеңiмпазы. АҚШ та 1 жыл оқу грант иегери.



Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи,
Эркин Эргаш ўғли **АДАҲАМОВ**га!



Неваралар бобоси,
Туғилган кун муборак.
Улфатларнинг доноси
Айёмингиз муборак!

Қадрли Эркин ака! Фарзандларингиз, нева-чевараларингиз бахтига ҳаммаша соғ-саломат бўлиб, хонадонингиз тўрида савлат тўкиб, тадбиркорлик жабҳасида жавлон уриб юраверинг.
Аллоҳ сизга узоқ умр ато этсин!

Эҳтиром ила **УКАЛАРИНГИЗ**.

Тўлебий тумани Султонработ қишлоғида истиқомат қилувчи, доимо эл қорига камарбаста бўлиб келган, барчамиз учун суюкли бўлган **Тошканбой Маҳкамбой ўғли НОСИРОВ**ни қутлуғ 67 ёши билан чин қалбимиздан табриқлаймиз!



Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Ушбу кунда тилақларимиз уммон,
Уларда йўқ асло ғам-ташвиш.
Дунёдаги тилақлар бўлганда жам,
Сиз учун барибир, улар жуда кам.
Насиб этсин иқболлар,
Йироқ кетсин кулфатлар.
Сизга яна бир ширин тилақ –
Туғилган кунингиз муборак!

Қамол эҳтиром билан:

опалари Моҳинисо, Гулбуви, Нурбуви,
поччаси Турғунбой, жиянлари Ашурмат,
Ортиқмат, Дилмурод, Шухрат,
тоғалари Сайдулла, Ибайдулла, Файзилла,
Ғайбилла, амакилари Файзилла,
Қурвонбек, Каримбек, қайнилари
Ўсмонали, Шермаҳаммад, фарзандлари
Фарҳод, Динора, Шавкат, Дилора, Нигора,
келинойилари ва келинлари.

ҲАЁТИЙ НАҚЛЛАР

- Инсон виждонини сотмаса, виждон ҳам уни асрайди.
- Ҳаётда бола ота олдида, ота бола олдида, эр хотини олдида, хотин эри олдида, дўст дўсти олдида имтиҳон синовини ўтаб яшайди.
- Ғафлат – вақтнинг заволи.
- Таъма – девоналикнинг бошланиши, қаноат – бойликнинг нишониси.

Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир

ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.

Ислом АБДУНАБИЕВ.

Масъул котиб –

Авазхон БҮРОНБОЕВ.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза **МАДАЛИЕВ**. 8(72533) 2-40-07.

Тўлебий — Баҳорой **ДҲСМАТОВА**. 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт — Хуршид **ҚҲЧҚОРОВ**. +7-701-447-37-42.

Сайрам — Мухтабар **УСМОНОВА**. +7-707-257-97-36.

Тулкибош — Мунира **САЪДУЛЛАЕВА**. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон **МУМИНЖОНОВ**. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй,
4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан
2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
КЗ34VPU0022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 12200 нусха.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди,
Шимкент шаҳри, Т.Алимуллоев кўчаси, 22.

Буюртма:
1469.

Навбатчи муҳаррир: Саодат **ШАРИФБОЕВА**.